БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 37 (4136).
14 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19 апрель—коммунистик шанбалик куни

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Москваликларнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги муносабати билан 19 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан бошлаган ташаббусига қўшилган тара ремонти заводи коллективи ҳам аниқ режалар тузиб олди.

Умумхалқ байрамида заводнинг барча ишчи ва хизматчилари иштирок этади. Ишлаб чиқарилган 7300 сўмлик маҳсулот шу куннинг ўзидаёқ буюртмачиларга жўнатилади. 240 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати, гул ва яшил тўсиқлар ўтқазилиб, 1500 погон метр ҳажмдаги ирригация шахобчалари тозаланади, 450 дан ортиқ дарахт оқланиб, 30 тоннадан ортиқ чиқинди ташиб олиб кетилади.

Заводнинг коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳисобланган юзлаб ишчилари қатори станокчи Н. Бикова, В. Борисов, М. Оқилхўжаевлар шу куни планларини 150 — 170 процентдан ошириб бажариб, кўпчиликка намуна бўлишади. Бундай юқори кўрсаткичга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунга улар қатъий интизом, иш вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланиш, станокларнинг узлуксиз ишлашига эришиш, илғорларнинг иш тажрибасидан унумли фойдаланиш ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга дадил тадбиқ этиш туфайли эришадилар.

И. УСМОНОВ.



Коммунист Владимир Абдулов Тошкент подшипниклар ремонти заводи роликлар цехининг моҳир созловчиси ҳисобланади. Смена-ойлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этаётган зарбдор ишчи цехдаги дастгоҳларнинг смена давомида бир меъёрда ишлашини таъминламоқда.

СУРАТДА: В. Абдулов.
М. Нуриддинов фотоси.



МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

ЙИЛЛИҚ ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

В. И. Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўраётган шаҳар саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективлари беш йилликнинг якунловчи йили биринчи ойи планини муддатидан илгари адо этдилар. Шу йилнинг январь ойида топшириққа қўшимча 1,8 процент саноат маҳсулоти реализация қилинди, шунингдек меҳнат унумдорлиги ҳам пландаги кўрсаткичдан 1 процентга ошириб адо этилди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,1 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги эса 1979 йилнинг январь ойига нисбатан 5,6 процентга ўсди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 91,8 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди.

Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат топшириқларини шаҳарнинг барча корхоналари ва районлари муваффақиятли адо этдилар.



Ушбу суратда Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг устоз тикувчи-мотористkаси Каромат Акбарована (ўртада) шогирдлари Робия Тўхтаева ва Саноат Қўчқоровалар билан кўриб турибсиз. Бу устоз ва шогирдлар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига умумхалқ мусобақасига қўшилиб, кундалик топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажармоқдалар.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

МАРРА ЯҚИН

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармасининг бинокорлари ҳам ишлаб чиқариш илғорларининг В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача беш йиллик план ва топшириқларини бажариш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусига қўшилишган.

Қилич Дўстқораев прораб бўлган участканинг А. Садриддинов бошлиқ дурадгорлар, С. Тешабоев етакчилик қилаётган сувоқчилар ва Ш. Мирсултонов раҳбарлигидаги бўёқчилар бригадаларининг аъзолари иш вақтидан, машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланишмоқда. Улар барча куч ва имкониятларини 22 апрелгача беш йилликка белгиланган планларини адо этишга қаратишмоқда.

Бу бригадаларнинг аъзолари шу кунларда йилнинг сўнгги квартали меҳнат календари бўйича иш бажаришмоқда.

ФАХРЛИ БЕЛГИ БИЛАН

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи беш йилликнинг якунловчи йилида маҳсулот сифатини яхшилашга ва унинг ассортиментини бойитишга катта эътибор бермоқда. Корхонада маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасининг тўла жорий этилиши натижасида бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати анча яхшиланди. Кўпгина янги буюмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бугунги кунда маҳсулот сифатини яхшилаш борасида жон куйдираётган корхона меҳнатчилари 30 дан ортиқ буюмни давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқармоқда. Бу бирлашмада ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 50 процентини ташкил этади.

Ҳозирда корхона коллективи фақат нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаш системаси асосида ишламоқда. Яқинда бирлашманинг яна битта кабелига фахрли беш қиррали белги берилди.

Г. ВОҲИДОВА.

ШАҲАР РАЙОНЛАРИДА САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎСИШ СУРЪАТИ ВА ПЛАННИНГ БАЖАРИЛИШИ ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ХАРАКТЕРЛАНАДИ:

ШАҲАР РАЙОНЛАРИ	1980 йилнинг январь ойида реализация бўйича планнинг бажарилиши (процентларда).	Утган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (процентларда): Реализация бўйича	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	1980 йилнинг январь ойида социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши (процентларда).
Шаҳар бўйича	101,8	103,0	106,1	105,6	117,7
Акмал Икромов райони	101,4	99,4	103,3	100,5	111,2
Киров райони	101,7	103,0	103,6	104,0	118,3
Куйбишев райони	101,4	96,0	95,8	96,0	166,1
Ленин райони	101,4	110,7	111,6	114,1	127,6
Октябрь райони	102,5	105,8	105,6	104,6	101,6
Собир Раҳимов райони	102,9	106,1	104,6	104,6	141,9
Сергели райони	101,8	112,2	121,4	105,8	126,5
Фрунзе райони	100,9	106,3	104,3	102,1	166,3
Чилонзор райони	102,6	107,7	113,3	105,4	196,0
Ҳамза райони	102,2	100,7	111,0	112,0	94,2

1980 йилнинг январь ойида Тошкент саноати пландан ташқари 4 миллион 357 минг сўмлик, шу жумладан Акмал Икромов райони 129 минг сўмлик, Киров райони 349 минг сўмлик, Куйбишев райони 553 минг сўмлик, Ленин райони 425 минг сўмлик, Октябрь райони 372 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 532 минг сўмлик, Сергели райони 210 минг сўмлик, Фрунзе райони 276 минг сўмлик, Чилонзор райони 98 минг сўмлик, Ҳамза райони 1413 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди.

«Ўзбекхлопкомаш»нинг машинасозлик, электротехника, «Ташхимсельмаш», электрон-техника, химия-фармацевтика, «Компрессор», чинни, «Таштекстильмаш», «Ташэлектромаш» синтетик ювиш воситалари, электр рўзғор буюмлари заводлари, «Ўртоқ» кондитер, мебель ойналари, кўнгалантерея, спорт буюмлари, бадиий буюмлар, «Сувенир», тажриба-пилла қ а ш лик, упа-элик фабрикалари, «Ташпромстройматериали», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини номли тикувчилик, «Учқун» тўқимачилик-галантерея, «Қизил тонг» тикувчилик, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилиш материаллари, 2-дон маҳсулотлари, ёғ-мой комбинатлари ва бошқа корхоналар коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича юксак суръатларга эришдилар.

Шаҳар корхоналари ўзларининг шартнома мажбуриятларини амалга ошира боришиб, муҳим турдаги халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам муваффақиятли уддаладилар.

Меҳнат коллективларининг шу кундаги вазифалари — доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақада қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, февраль ойи зарбдор вахтасини юксак даражада ўтказиш, нафақат буюмлар ишлаб чиқариш бўйича шартнома мажбуриятларини планларининг г и н а эмас, балки қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ҳам муваффақиятли бажаришдан иборатдир.

• Вагонлар бир минут ҳам бекор турмасин

Юк тушириш суръати суст

12 февраль. Кеч соат олтида Тошкент станцияларида вагонларга юк ортиш ва тушириш бўйича шаҳар штабига Собир Раҳимов район штабидан қўнғироқ қилишди:

— Бугун Шумилов станциясига 99 вагон келди. Улардаги юклар белгиланган қатъий муддатларда тушириб олинмоқда. Орадан кўп ўтмай станцияга яна 12 вагон юк келади. Юк қабул қилувчиларнинг ҳаммаси бу ҳақда хабардор қилинди.

Яқин вақтларгача Собир Раҳимов районида вагонлар обороти масаласи кўнгилсиз аҳволда эди. Бу масала Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетида кўриб чиқилди. Ҳозир бу соҳадаги ишлар бирмунча яхшиланди.

Энг муҳими, темирйўлчиларнинг юк қабул қилувчилар билан алоқаси мустаҳкам бўлиб қолганини таъкидлаш лозим. Станция ходимлари барча корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан алоқа қилиб туришади, уларнинг намлиги келган, юк ҳақида ўз вақтида огоҳлантириб турадилар. Корхона ва ташкилотлар ўз навбатида зудлик билан станцияга зарур техника, юк туширувчиларни жўнатадилар.

Шаҳар штабига бошқа районлардан ҳам рапортлар келиб турибди.

Ҳамза станциясида 12 февралдан бери турган 9 вагондаги юклар ҳамон туширилмаган. Бу юк «Узоптбакалея» республика базаси (директори А. Анваров) адресига келган.

Сергели станциясида «Тошкентпиво» бирлашмаси номига келган (бирлашма директори Г. Гуржиев) вагонлар яна тунаб қолди. Бу вагонлардаги юк жуда сусткашлик билан туширилмоқда.

Қизил Тўқимачи станциясида гипс ортилган вагон 12 февралдан бери турибди. Бу юкни саноат қурилиш материалларини тажриба механика заводи (директори В. Цибусов) қабул қилиб олиши лозим.

Чинни заводи Келес станциясидаги, экскаватор заводи Салор станциясидаги ўз юкларини олиб чиқиб кетишга ошиқмаяпти.

Уларнинг айби билан вагонлар суткалаб бекор туриб қолмоқда.

ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

Шу кунларда Тошкент устидан жанубий иссиқ циклонлар ўтяпти. Эртага атмосфера босими бугунгидан бироз пасаяди, ҳавонинг нисбий намлиги ошиб, 90—95 процентни ташкил этади. Ҳаво бироз булутли бўлиб, ёмғир ёғиб туради. Кучсиз шамол эсади. Ҳарорат кечаси 2—4, кундузи 6—8 даража ўртасида иссиқ бўлади.

* * *

Бундай об-ҳаво юраги ҳаста беморлар учун хавфли эмас. Бод ва ўпка касали билан оғриган беморлар ўзларини авайлашлари тавсия этилади.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.



Тошкент офсет фабрикасида Узбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар мавзунга бағишланган плакатлар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида кўплаб нашр этилди.

СУРАТДА: босма цехи бошлиғи Музаффар Урмонов (чапда) ва ишчи Абдушукур Шодиев жойларга жўнатишга тайёрланган плакатларнинг сифатини кўздан кечиришяпти.

И. Глауберзон фотоси.

24 февраль СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Шинамгина агитпунктда эса радио, телевизор, шахмат-шашка, газета-журналларнинг янги сонлари, сайловга оид турли хил брошюралар. Булардан ташқари, агитаторлар, навбатчилар рўйхати, сайловчилар билан ўтказиладиган тадбирлар плани осиб қўйилган.

Агитпунктга 33 агитатор бириктирилган. Улар Низомий, Фирдавсий, Бодомзор, Жаҳон Обидова, 1, 2, 3-Миниг ўрик кўчаларида ҳамда «Ўзбекселъмаш», «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ётоқхоналарда истиқомат қилувчи сайловчилар ҳонадонларида тез-тез бўлиб, сайловолди тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Бу борада Насиба Иноғомова, Марғуба Усмонова, Ақида Рихсиева, Санталат Пидаева, Руқия Асатуллаева, Дилбар Тўлаганова, Абдуҳамид Набихонов каби агитаторларнинг ишлари мақтовга сазовордир. «Депутатликка номзоднинг ҳаёт йўли», «СССР ва Ўзбекистон ССР Конституциялари», «Совет сайлов системаси», «Сайловдан-сайлов гача мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар» ҳақида ва бошқа мавзуларда сайловчилар ўртасида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

— Участкамиз территориясида 2018 сайловчи истиқомат қилади, — дейди участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари, 105-мактаб директори Ойбек Иноятов. —Ҳозиргача депутатликка номзодлар ҳамда ёш сайловчилар билан учрашувлар ўтказилди. Шунингдек сайлов кунига қутилар ва бошқа зарур нарсалар тахт қилиб қўйилди.

24 февраль куни бу сайлов участкасининг сайловчилари халқини **Х. А. Ёқубова** билан учрашув 3-мактаб интернатда бўлиб ўтди.

Сайловолди учрашувларида сўзга чиққан депутатликка номзодлар сайловчилар томонидан берилган наказларни ижобий ҳал этиш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини ишга солажакларини айтдилар. Улар республика ҳукуматининг олий органига ва маҳаллий Советларга депутатликка номзодларини кўрсатган меҳнат коллективларига миннатдорчилик изҳор этдилар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга депутатликка номзодларини кўрсатилган кишилар билан сайловчиларнинг учрашувлари давом этмоқда. Шундай учрашувлар яқинда бир қатор сайлов округларида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 3-Фарҳод сайлов округи сайловчилари ўз номзодлари — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари **К. П. Дудин** билан учрашдилар.

354-сайлов округидан Тошкент шаҳар Советига депутатликка номзоди кўрсатилган «Таштекстильмаш» заводининг кранчи-машинисти **В. А. Юрлова** билан учрашув бўлиб ўтди.

224-сайлов округи сайловчилари шаҳар Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров** билан учрашдилар.

300-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари **М. Ф. Солдатов**, Собир Раҳимов район Советига номзод — тажриба-пилла кашлик фабрикасининг пилла пишируви **Ҳ. Ғ. Ғаниева** билан учрашувлар бўлиб ўтди.

ФАН ОЛАМИДА

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЛАДИ

Ўзбекистон энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари ишлаб чиққан метод асосида тузилган график энергосистема нагрузкаси кўпайган дамларда ишлаб чиқаришга зарар етказмаган ҳолда электр энергия истеъмол қувватини 20 процент камайтиришга имкон беради.

Улар тайёрлаган программа кечаю-кундуз ишлайдиган ва кўп энергия оладиган ишлаб чиқаришлар технологиясининг хусусиятларини, машина-ускуналарга нагрузка тушиш цикли-ни назарда тутади. Графикда агрегатларнинг ишидаги технологик тинимлар, максимал ва минимал нагрузка даврлари, планли-олдини олиш ремонтлари учун машина-ускуналарнинг тўхтатиб қўйилишлари назарда тутилган. Олимлар тузган метод химия корхоналарида синовдан яхши ўтди.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежнев Эстония ССР ёнилғи ва энергетика корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини ёчувчи сланец қазиб чиқ ариш, электр энергия ҳосил қилиш ва бошқа план кўрсаткичлари бўйича беш йилликнинг тўрт йили топшириқларини муддатидан илгари адо этганликлари билан самимий табриклайди.

● Ҳиндистон Президенти Нилам Санжива Редди, Ҳиндистон Бош министри Индира Гандининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга йўллаган жавоб телеграммалари эълон қилинган. Унда Ҳиндистон Республикаси кунининг ўттиз йиллиги муносабати билан йўлланган табриклар учун миннатдорчилик изҳор этилади.

● «Олий мактаб вазифалари» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

телетайп лентасидан

● Берлин. «Карл Цейс Йена» комбинати новаторлари 1980 йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан ҳар хил тадбирларнинг кенг программасини тузиб чиқдилар.

Комбинат рационализаторлари ҳамда ихтирочиларининг конференциясида бу йил олий сифатли буюмлар сонини 1978 йилдагига нисбатан 25 процент кўпайтиришга қарор қилинди. Комбинат коллективи бу соҳада анчагина тажриба тўплади.

Эндиликда янги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун 1975 йилдагига нисбатан уч баравар кам вақт керак бўлади.

● БУДАПЕШТ. Венгрияда Будапешт машинасозларининг Венгрия социалистик ишчи партияси XII съездини ва мамлакатнинг фашизмдан озод этилганлигининг 35 йиллигини ишлаб чиқаришда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олиш тўғрисидаги чақиригини меҳнаткашлар коллективларининг кўплаб отрядлари қўллаб-қувватламоқда. Бу ташаббусни Дорог шахтёрлари қизғин қувватлаб чиқдилар. Улар тарихий сана шарафига мамлакатга пландан ташқари 5 минг тонна кўмир қазиб бериш мажбуриятини олдилар.

● ГАВАНА. Сантьяго-де-Куба шаҳрида партия мактаби тингловчиларининг янги группаси ўқишни битириб чиқди. 200 дан ортиқ тингловчи диплом олди. Сиёсий иқтисод, марксча-ленинча философия, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихи, экономикани бошқариш асослари, Куба тарихи ва конституцияси соҳасида олган билимлари уларга ҳар кун омма ўртасида партиявий иш олиб боришларида ёрдам беради.

● ЖАЗОИР. Миллий кадрлар тайёрлаш—Жазоир экономикаси олдида турган энг муҳим вазифалардан бири-дир. 1980—1984 йилларда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик планини амалга ошириш давомида 18 та университет маркази қурилади. Бу эса олий маълумотли олиш имконини икки баравар оширади.

● СТОКГОЛЬМ. Швецияда ишсизлар тобора кўпаймоқда. Расмий маълумотларга қараганда, шу йилнинг январь ойида мамлакатда 94 минг ишсиз борлиги аниқланди. Бу — ўтган йилнинг декабрь ойидагига нисбатан 20 минг киши кўпдир.

(ТАСС).

ПАРТИЯ СЎЗИ — ОММАГА

«Билим» жамияти лекторлари олдида турган вазифалар мураккаб ва серқирралидир. Партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, партия ва совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, илмий-техникавий билимларни пропаганда қилиш, ўсиб келаётган авлодни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш — жамият бошланғич, район ва шаҳар ташкилотлари аъзоларининг меҳнат коллективларида ва аҳоли турар жойларида ўтказаётган суҳбат ва докладларнинг тўла бўлмаган рўйхати ана шулардан иборат.

Лекторлар оташин партия сўзи, меҳнат ва турмушдаги шахсий намуна билан тошкентликларни коммунистик қурилишнинг янги марраларига даъват этмоқдалар. Партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчилари бўлган жамият ташкилотлари меҳнат коллективларини ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, республика Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларни, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этмоқдалар.

Ҳозир жамият аъзолари олдида партия қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги, «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорлари талаб этганидек лекция пропагандасининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишдек масъулиятли вазифа турибди. «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг бугун бўлиб ўтган XII ҳисобот-сайлов конференциясида ана шу вазифани ҳал этишнинг услуб ва методлари ҳақида атрофлича гап борди. Қуйида эълон қилинаётган материаллар ушбу вазифа лекторларнинг кундалик фаолиятида қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади.



СУРАТДА (чапдан-ўнгга): «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг энг яхши лекторларидан бир группаси — А. Ф. Шчербаков, Б. Н. Летичевский, И. И. Шуманов, Х. И. Орифжонова, Н. М. Ҳайдаров ва Н. Г. Юрин ўртоқларни кўриб турибсиз.

Революция доҳийсига бағишланади

Тошкентликлар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини нишонлашга зўр тайёргарлик кўришяпти. Бу воқеа бу йил ҳақли равишда алоҳида ўрин эгаллайди. «Билим» жамияти Куйбишев район ташкилоти идеология фронтининг барча ходимлари қаторн бу муҳим ишдан четда қолишмайди.

Правления президиумининг навбатдаги мажлисида юбилейни муносиб кутиб олиш бўйича асосий тадбирлар қараб чиқилди ва тасдиқланди. Бунда КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорини атрофлича тушунтириш бош вазифа қилиб қўйилган.

Олимлар, лекторлар «Билим» жамияти район ташкилоти аъзолари В. И. Ленининг ғоявий-назарий меросини, унинг ҳаёти ва фаолиятини тарғиб қилишга актив қўшилдилар. 1979 йилнинг ноябрь ойидан бери бу мавзуда 200 дан ортиқ лекция тингланди, лекция ишининг хилма хил формаларидан: лекциялар туркуми, лекторийлар, конференциялар, кечалардан фойдаланиляпти. Тошкент трактор заводида, «Узбекхлопкомаш» бирлашмасида, экскаватор заводида, маданият институтида, консерваторияда «Ленининг иши яшайди ва галаба қилади» шиори остида ижтимоий-сиёсий ўқувлар бўлиб ўтди.

Лекторларнинг корхоналарга, илмий-тадқиқот институтларига, бошқа меҳнат коллективларига коллектив чиқишлари бўлиб ўтди. Район миқёсида ҳам ижтимоий-сиёсий ўқувлар ўтказишни режалаштиряпмиз.

Владимир Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ материалларни пропаганда қилиш соҳасида Тошкентдаги Ленин номли олий умумқўшин командирлари билим юрти музейи, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали ходимлари, «Билим» жамияти лекторлари Т. Е. Александрова, С. Э. Ряженцева, Е. Комилов, Р. У. Исмоилов катта ишлар қилишяпти.

Лекторлардан В. Т. Кравцов, В. С. Судоркин, Т. Г. Ризаева, Н. Н. Клименколар «Ленинизм — давримизнинг революцион байроғи» мавзуида 8-автобазада, «Узбекгидробиология» бирлашмаси, 20-музейка мактабида, экскаватор, трактор, лакбўёқ заводларида ва бошқа меҳнат коллективларида лекциялар ўқишди. Жамият аъзолари лектор кадрлар билан ишлашда фаол иштирок этишяпти. Шаҳар лекторлар уйида «В. И. Ленин адабиёт ва санъат тўғрисида» мавзуида лекторий ташкил этилди. У ерда маданият институти бошланғич партия ташкилотлари лекторлари Т. С. Злотник, Н. С. Ким, О. И. Кислова лекциялар ўқишади.

Ўтган йили ноябрь ойида лекторлар маҳорати район мактаби иш бошлади. Бунда нотиқлик санъати ва лекция пропагандаси методикаси соҳасидаги Ленин мероси ўргатилади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги билан боғлиқ материаллар ижтимоий-сиёсий профилдаги халқ университетларида ҳам ўрганилади. Шонли сана шарафига энг яхши халқ университети, ёш лекторлар мактаби учун кўрик-конкурс эълон қилинди.

Ленинча ғоявий-сиёсий меросни, В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятини пропаганда қилишда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари, Узбекистон ССР Олий Совети ва республика маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарлик билан узвий боғлаб олиб бориляпти.

Ўйлаймизки, пропагандининг лекциялар туркуми, лекторийлар, революция ветеранлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувлар каби тарғибот формалари ленинча ўқувлар билан бир қаторда районимизнинг ҳар бир коллективидаги идеологик ишдаги етакчи ўринни эгалламоғи лозим.

Лекторларнинг жамоа коллектив чиқишларини, бевосита корхоналарда фан кунларини ўтказишни кенг қўллаймиз.

Шу муносабат билан ҳар бир бошланғич ташкилот В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳар бир лекция, ҳар бир тадбир тингловчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши, янада яхши, самарали ишлашга даъват этиши учун ҳаракат қилиши керак.

Г. ВОРОБЬЕВА,

«Билим» жамияти Куйбишев район ташкилотининг масъул секретари.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ КЕНГ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

• В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олайлик • Партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчилари • Партиявий сўз ва шахсий намуна билан • Цехларда ва турар жойларда суҳбатлар

Ш. З. ҲУРАЗАЕВ,

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ МУХБИР АЪЗОСИ, «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ РАИСИ

Ҳисобот даврида ижтимоий-сиёсий билимларни пропаганда қилишга, ривожланган социализмнинг долзарб назарий ва амалий масалаларини чуқур ва атрофлича тушунтиришга, унинг имкониятларидан коммунистик жамият қурилишида фойдаланишга катта эътибор берилди.

Партия XXV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми материаллари, партия ва ҳукуматнинг бошқа ҳужжатлари зўр бериб пропаганда қилиняпти.

Тошкент олий партия мактаби, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги партия тарихи институти, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, фалсафа ва ҳуқуқ институтлари, шаҳарнинг бошқа олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари олимлари ижтимоий-сиёсий билимларни тарғиб қилишда фаол иштирок этаётганликлари ни и, лекторлардан М. А. Охунова, Б. В. Лунин, Х. С. Шукурова, Г. А. Ҳидоятов, А. Я. Соколов, О. П. Умурзоқова, П. Д. Рассказов, Р. Х. Аминова, А. А. Ортиқова, Т. Ғ. Ғиёсов, А. И. Абдусаматов ўртоқларнинг ишини таъкидлаб ўтишни истардик. КПСС XXV съездининг тарбиявий ишга комплекс ёндошиш ҳақидаги қарорларига амал қилиб, жамият ташкилотлари меҳнат ва ахлоқий тарбияга катта эътибор беряпти. Бунда меҳнаткашларнинг турли гуруҳларининг ўзига хос томонлари ҳисобга олинмоқда, лекция пропагандасининг конкрет ва амалий аҳамиятга эга бўлишига эришиш, унинг ҳаёт билан, ҳўжалик ва сиёсий вазифаларнинг ҳал этилиши билан алоқасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар белгиланяпти. Лекторларимиз КПССнинг халқнинг маданий ва моддий фаровонлигини оширишга, социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган социал-иқтисодий сиёсатини чуқур тушунтиришяпти.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва ҳўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори ва КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик планининг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши муносабати билан планлаштириш ва халқ хўжалигини бошқариш масалалари бўйича лекциялар миқдори анча кўпайди. Уч йиллик ҳисобот даврида бундай лекциялардан 8 мингдан ортиғи ўқилди, бир қатор корхоналарда «Билим» жамияти лекторлари бу масалалар бўйича туркум лекциялар ўқишяпти.

Иқтисодий, илмий-техника билимларини тарғиб қилишда Беруний номли Тошкент политехника институти, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, темир йўл транспорти инженерлари, халқ хўжалиги, тўқимачилар ва енгил саноат институтлари ва бошқа олий ўқув юртлари, шунингдек Узбекистан ССР Фанлар академиясининг экономика институти, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа ва конструкторлик бюролари лекторлари фаол иштирок этишяпти.

Иқтисодий ва илмий билимларни тарғиб қилишда экономистлар, конструкторлар, инженер ва техниклар Б. А. Абдуллаев, Р. М. Раззоқов, Т. Н. Поподюк, А. А. Абдуғаниев, В. В. Хвостенко, Н. Н. Юсупов, М. М. Мирсоатов, Э. А. Аҳмедов, В. В. Зиков ва бошқа кўплаб ўртоқлар катта ҳисса қўшишяпти.

Илғор тажрибани ва илғор методларини тарғиб қилишга мусобақа ташаббускорлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, рационализаторлар ва ихтирочилар бебаҳо ҳисса қўшишяпти.

СССР Конституцияси ва Узбекистон ССР Конституциясини юридик билимларни мустаҳкамлашда тарғиб қилиш тобора кенгайтирилмоқда. Бунда лекция пропагандасининг доимий формаларини алоҳида эътибор берилмоқда. Мана бир неча йилдирки, «Ёшлар ва қонун» деб номланган ёшлар лекторийси ишлаб турибди. Бу лекторий программасига «СССР Конституцияси совет ёшларининг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида», «Совет қонунчилиги ички ликбозликка қарши курашда» каби темалар киритилган. Айниқса, Узбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларга бўладиган навбатдаги сайловлар муносабати билан ҳуқуқ пропагандаси кучайди.

Ёш авлодни тарбиялаш ишига «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти лекторларининг катта отряднти ташкил этган ўқитувчилар бебаҳо ёрдам кўрсатишяпти. Улар ота-оналар, ишчи-ёшлар, студентлар, ўқувчилар олдидаги ўз нутқлари билан Улуғ Октябрнинг муносиб ворисларини — коммунизмнинг меҳнаткаш, маълумотли ва маданиятли гражданларини тарбиялашда ота-оналарга ёрдам беришяпти.

Совет кишисининг маънавий камолатига, унинг ахлоқий ва эстетик ривожига маданият ва санъат арбоблари катта ҳисса қўшишяпти. Ҳисобот даврида шаҳар меҳнаткашларига адабиёт ва санъат бўйича 20 мингдан ортиқ лекция ва суҳбат ўқилди, талайгина тематик кечалар, конференциялар, мунозаралар ўтказилди.

Маданият институти, А. Н. Островский номли театр ва рассомчилик институти, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти, Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театри лекторлари меҳнат коллективлари ҳузурида ва санъат масалалари, совет кишиларини ахлоқий ва эстетик тарбиялаш масалалари бўйича лекциялар билан чиқишяпти.

Ҳисобот даврида медицина билимларни тарғиботи кенг йўлга қўйилди. Уч йил мобайнида бу мавзуда 51 мингта лекция, шу жумладан, 1979 йилда 18 мингтага яқин доклад ва суҳбат ўқилди. Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида медицина билимлари лекторийси ташкил этилди. Тингловчилар ҳузурида медицина фанлари докторлари, профессорлар Ф. Х. Назаримуҳамедов, И. А. Бодня, Т. Н. Йўлдошев, С. С. Солиҳўжаев, А. Т. Оқилов ва бошқа йирик олимлар лекциялар ўқишди.

Ҳарбий билимларни тарғиб қилиш ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш СССРнинг ташқи сиёсатини тарғиб қилиш билан мустаҳкам алоқада олиб бориляпти. Ҳисобот даврида бу мавзуда 17 минг лекция ўқилди. Бу ишга Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, Туркистон ҳарбий округи ва Тошкент гарнизони жангчилари муносиб ҳисса қўшишяпти. Бу йил улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчиларни устидан совет халқи қозонган буюк Ғалабанинг 35 йиллиги нишонланиши муносабати билан бу ишни янада кучайтирилиляпти. Уруш иштирокчисининг ҳар бир нутқи, ёшлар билан ҳар бир учрашув хотирада чуқур из қолдиради. Совет кишиларининг энг яхши сифатлари — ватанпарварлик, интернационализм ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Билимларнинг барча соҳаларини тарғиб қилишда тармоғи йилдан-йилга кенгайиб, ўқув жараёнлари такомиллашиб бораётган халқ университетларига катта ўрин берилляпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида шаҳарда билимнинг 20 соҳаси бўйича 212 халқ университети ишлаб, уларда 40 мингдан кўпроқ тингловчи шуғулланди. Уларда 3 мингдан ортиқ киши ўқитувчилик қилди ва лекция ўқиди. Бу кишиларнинг мингга яқини олимлардир.

Лекция пропагандасининг аниқ объектлар: цех, бригада, участка бўйича планлаштириш кенг кўрий этилмоқда. Ленин, Киров, Чилонзор ва бошқа район ташкилотларида лекция иши маҳалла комитетлари, ЖЭКлар, боғлар ва маданият уйларининг иш планига киритиляпти. Турар жойларда халқ университетлари, лекциялар туркуми каби лекция пропагандасининг доимий ҳаракатдаги формалари кўпроқ ишлайдиган бўлиб қолди.

Лектор кадрлар билан 15 илмий методик кенгаш иш олиб бориляпти. Шаҳар ташкилоти правлениеси қошида ташкил этилган бу кенгашларда 300 дан ортиқ йирик олим, билимнинг турли соҳалари мутахассислари ишлашяпти. Бундан ташқари ташкилот қошидаги 50 дан ортиқ методик секцияда 500 дан ортиқ активист жамоатчи бор. Совет турмуш тарзини пропаганда қилишни кучайтириш мақсадида ўтган йили совет турмуш тарзини, янги урф-одатларни тарғиб қилиш бўйича координацион илмий-методик кенгаш тузилди.

Шаҳар конференцияси арафасида бошланғич ташкилотларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва «Билим» жамияти район конференциялари бўлиб ўтди. Бошланғич ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва район конференцияларида 4.353 жамият аъзоси сўзлади. Ҳисобот ва сайловлар мобайнида раҳбар органлар сайланди: лекция пропагандасини, илмий-методик ва ташкилий ишларни яхшилашга қаратилган талайгина таклифлар айтилди.

Жамият лекторлари меҳнаткашларни беш йилликнинг якунловчи йили учун қабул қилинган оширилган социалистик мажбуриятларни бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун жалб этишда партия органларининг содиқ ёрдамчиларидир.

Илғорларга мукофот

Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг «Актив ишлаганлиги учун» кўкрак нишони билан қуйидагилар мукофотланди: Узбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти С. Х. Сирожиддинов, медицина фанлари доктори, профессор, медицина билимларини пропаганда қилиш бўйича илмий-методик кенгаш раиси Ш. Х. Хўжаев, филология фанлари доктори, профессор, Тошкент шаҳар лекторлик маҳорати университетининг ректори Л. П. Қаюмов, В. И. Ленин номли ТошДУ проектори, тарих фанлари кандидати, «Билим» жамиятининг университет ташкилоти правлениеси раиси А. Т. Азизхонов, Узбекистон ССР Фанлар академияси астрономия институти катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати, табиий-илмий билимларни пропаганда қилиш бўйича илмий-методик кенгаш раиси З. Б. Коробова, В. И. Ленин номидаги ТошДУ кафедрасининг мудири, юридик фанлари кандидати, ҳуқуқ билимларини пропаганда қилиш бўйича илмий-методик кенгаш раиси Б. Х. Самархўжаев ва бошқалар бор.

Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти Фахрий Китобига қуйидагиларнинг номлари ёзиб қўйилди: В. И. Ленин номидаги ТошДУ юридик факультетининг декани, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. А. Аъзамхўжаев, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор, СССР ташқи сиёсатини ва халқаро муносабатларни пропаганда қилиш бўйича илмий-методик кенгаш раиси А. М. Йўлдошев, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти секторининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор, марксча-ленинча фалсафани пропаганда қилиш бўйича илмий-методик кенгаш раиси А. К. Валиев ва бошқалар бор.

200 га яқин олим ва лекторларнинг ишлари Бутуниттифоқ ва республика «Билим» жамияти ёрлиқлари билан, 500 дан зиёд киши эса жамиятнинг Тошкент шаҳар ташкилоти ёрлиқлари билан мукофотланишди.

Т. МАҲСУМОВ,

«Билим» жамияти шаҳар ташкилотининг масъул секретари.

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

«Билим» жамиятининг Тошкент шаҳар, район, бошланғич ташкилотлари томонидан шу кунларда республика Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарликка доир катта ишлар амалга оширилмоқда. Давлат ва ҳуқуқ масалаларини пропаганда қилиш бўйича илмий методик кенгаш бўлажак сайловлар муносабати билан лекция пропагандасини ўтказиш бўйича тадбирларни тасдиқлади, доклад ва суҳбатлар мавзуини ишлаб чиқди. Лекторларга ёрдам сифатида «Тошкент сайловдан-сайловгача» лекциясининг текстлари тарқатилди.

«Билим» жамияти аъзоларининг, олимларнинг шаҳар сайлов участкаларига ва корхоналарига коллектив бўлиб чиқиши уюштирилмоқда. Жумладан, Тошкент халқ хўжалиги институти совет ҳуқуқи кафедрасининг мудири, юридик фанлари кандидати Т. С. Саъдуллаев раҳбарлигидаги бир группа олимлар 40-сайлов участкасида «СССРнинг янги Конституцияси тўғрисида», «В. И. Ленин социалистик қонунчилик тўғрисида» мавзуларида суҳбатлар уюштирдилар.

18-сайлов участкасида ТошПИ илмий коммунизм кафедрасининг доценти Х. М. Мелиқулов раҳбарлигидаги олимлар бўлишди. Улар социалистик демократияга, экономиканинг ҳамда совет кишилари турмуш даражасининг янада юксалишига бағишланган турли мавзуларда суҳбатлар ўтказдилар.

Куйбишев район юридик консультация хизмати мудири М. Симкин, адвокат А. Газарбекова ва бошқалар 34-сайлов участкаси сайловчилари билан учрашдилар. Учрашувда 200 дан зиёд киши иштирок этди. «Совет сайлов системаси — жаҳонда энг демократик система», «Ёш мутахассисларнинг амалдаги СССР қонунчилигидан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва вазифалари» ва бошқа мавзуларда лекциялар ўқилди.

Барча районларда олимларнинг шаҳар корхоналарига оммавий чиқиши уюштирилмоқда. Узбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг олимлари — юридик фанлари доктори А. Аҳмедов, юридик фанлари кандидатлари А. Расулов, Б. Мирбобоев, Ш. Иноғомов, К. Шеметаев сайловчилар олдида лекция ва суҳбатлар билан чиқишди. Улар «В. И. Ленин социалистик қонунчилик ва демократия тўғрисида», «СССР гражданларининг янги Конституцияда битилган ҳуқуқ ва вазифалари» мавзуида лекция ўқидилар. «Қизил тонг» бирлашмаси коллективи ҳузурида ТошДУ юридик факультетининг ўқитувчилари ва аспирантлари Ю. С. Содиқов, П. Эшонхўжаев, В. Пилипченко, Т. Бўрихўжаев, О. Сирожиддинов ташриф буюрдилар. Улар бу ерда «Узбекистон ССР Олий Совети — республика давлат ҳокимиятининг олий органи», «Депутат — халқнинг мухтор вакили» мавзуларида докладлар қилдилар.

Тошкент шаҳар суди аъзолари З. Сойбназаров, А. Липатов, Б. Эшонов, С. Клочкова, О. Зимирова, Л. Васильева, Н. Дубровин Тошкент электр механика заводида, 7-таксопаркда, «Узбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа корхоналарда бўлдилар. Улар «Совет сайлов системаси», «Икки демократия — икки сайлов системаси» мавзуларида лекция ўқидилар. Тошкент прокуратураси, шаҳар суди, Узбекистон ССР Юстиция министрлигининг ходимлари кўпгина агитпунктларда лекция ва суҳбатлар билан чиқдилар.

Б. САМАРХЎЖАЕВ,

«Билим» жамияти шаҳар ташкилоти илмий-методик кенгашининг раиси, юридик фанлари кандидати.

ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПИБ

Сўнгги йилларда Ленин район «Билим» жамияти ташкилоти ўз фаолиятини кенгайтирди, меҳнат коллективларини КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга сафарбар этишга актив ёрдам берди.

Фалсафа, сиёсий иқтисод, КПСС ва Совет давлати тарихи, илмий коммунизм масалалари бўйича ўқилаётган лекциялар сони анча кўпайди. Меҳнат коллективларида профессорлар, иқтисод фанлари докторлари М. Беленкий, Э. Севликянц, доцент, тарих фанлари кандидати Ш. Зуҳриддиновларнинг лекцияларини меҳнат коллективларида зўр қизиқиш билан тингламоқдалар.

Октябрь революцияси номли завод, «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа саноат корхоналарида совет ватанпарварлиги ва интернационализми тўғрисида лекция ўқиляпти. Мамлакатимиз халқларининг ривожланган социалистик жамият қурии учун қаҳрамонона кураши ҳар томонлама ёритиб берилляпти, социалистик тузум ва совет турмуш тарзининг буржуазия тузумидан туб афзалликлари ёритилмоқда.

Жамиятнинг ҳисобот-сайлов конференцияси шуни яққол кўрсатдики, халқ университети, тематик лекторийлар, лекциялар туркуми сингари лекция пропагандасининг доимий ишловчи формалари самарали экан. Техника тараққиёти, табиий-илмий ва иқтисодий билимлар халқ университетлари кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш системасини тўлдирмоқда. В. И. Ленин номли электротехника заводида кенг профилдаги халқ университети 20 йилдан бери ишлаб келяпти. Унда экономика ва бошқариш асослари, мураббийчилик, кино санъати, касаба союз активи ва бошқа факультетлар бор.

Шунингдек, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, техника-иқтисодий билимлар, ишлаб чиқаришни бошқариш, ёш мастер, Совет турмуш тарзи халқ университетлари «стажи» ҳам катталар. Ҳозир районда 25 та халқ университети ишлаб турибди.

Марксча-ленинча назарияни, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС XXV съезди материалларини, экономика ва ижтимоий-техника тараққиётининг актуал масалаларини, табиий фанлар муваффақиятини кенг пропаганда қилишда меҳнат коллективларида уюштирилаётган тематик лекциялар туркуми таъсирчан форма бўлиб қолди. «Билим» жамияти билан ҳамкорликда партия ташкилотлари юздан зиёд ана шундай тематик лекциялар туркуми ташкил этишди. Лекциялар комплекс проблемалари қамраб олган.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик кенгаш раиси А. К. Валиев ва бошқалар бор.

Ҳозир «Билим» жамиятининг район ташкилоти сафларида 1,5 мингга яқин лектор бор. Улар — ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий ходимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, медицина ходимлари, адабиёт ва санъат арбобларидир.

Лектор кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ягона системаси тарқиб топяпти. У ёш лекторлар мактабларида, лекторлик маҳорати район мактабида, лекторлик маҳорати шаҳар университетида, шаҳар партия комитетининг марксизм-ленинизм университетида лекторларнинг таълим олишини кўзда тутади.

Район партия комитети тавсиясига кўра, жамият правлениеси, бир қатор бошланғич ташкилотлар перспектив планлаштиришга ўтишди. Бу бошланғич партия ташкилотлари идеология ишлари комплекс планининг таркибий қисми ҳисобланади.

Лекторлар олдида лекция пропагандасининг илмий ва методик савиясини ошириш, социалистик мажбурият ва халқ хўжалик планларини бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлашга ёрдам бериш юзасидан катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Б. ГОЛЬДИН,

«Билим» жамияти Ленин район ташкилоти правлениесининг раиси.



Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги Ленин орденли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти катта иш олиб бормоқда. Унинг сафида 75 ишчи, инженер-техник ходим бор.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга): лекторлардан — экспериментал цех ишчиси А. М. Липатова, бошланғич ташкилот раисининг ўринбосари Э. Б. Глинская ва жамият ташкилотининг раиси Н. И. Симашова ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотолари.



МАҲАЛЛАДА ТАНТАНА

Й. Охунбобоев номли Республика ёш томошабинлар театрининг артистлари Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Камолон маҳалласи аҳлининг меҳмони бўлдилар. Улар В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигига бағишланган кечада иштирок этдилар. Муҳташам чойхонага тўпланган маҳалла аҳли Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» пьесасида Владимир Ильич Ленин ролини ижро этган Ўзбекистон ССР халқ артисти Обид Толиповни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Кечада Ленин, партия ва халқлар дўстлиги ҳақидаги қўшиқлар ижро этилди.

Кечани райондаги А. Навоий номли маданият уйи уюштирди. Маданият уйи активлари Октябрь районининг бошқа маҳаллаларида ҳам Ленинга бағишланган кечалар ўтказмоқдалар.

[ЎзТАГ].

ИНСОН МЕҲРИ

ОТА-ОНАДАН ЎТГАН ФАЗИЛАТ

Агар одамлар ўртасида меҳр-оқибат, вафо-садоқат бўлмаганда, ҳаёт бунча ширин, инсон шунча азиз у-мукаррам бўлармиди? Шу меҳр-садоқат бўлмаганда инсонда бунчалик қудрат қаердан бўларди? Ҳа, жажжи мурғак қалби ўсади, дунёни танийди. Инсон камолати, бахтини шу меҳр-садоқатсиз тасаввур эта оламизми? Йўқ, албатта.

Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзанд қалбига меҳр уруғини сочиб, уни шундай парваришласинки, токи униб чиққан меҳр гулининг муаттар ҳидлари ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам роҳат, ором бағишласин. Бундай боғбон соҳибларига ҳамма таассуб қилади.

«Оқлон» маҳалласида истиқомат қилувчи Муса ота билан Мукаррам ая бошлиқ хонадонга эшик қоқиб келган кишининг бахри-дили очилиб кетади. Меҳмони очиқ чеҳра билан минг айланиб ўргулиб кутиб олиш бу хонадон одати.

Файзли хонадон соҳиблари пири-бадавлат. Ўн бир фарзандни ўстириб, вояга етказишди. Ўғил-қизлари бири-биридан яхши, қобил фарзандлар. «Болаларимиз сизнинг фарзандингизга ўхшасин»,— деганлар кўп. Мана. Мунаввар, Муборак, Сабохат. Муҳайёхонларни узатиб, тўрт куёв кўришди. Тўлқинжон. Озоджонларни уйлантириб, икки келинли бўлишди. Қизлар она удумини олишди, саранжон-саришта, тушган уйларини гуллатишди, оналарига раҳмат ёғдиришди. Ака-ука, опа-сингиллар бир-бирига бирам меҳрибонки, кўриб ҳавас қиласан.

Катталари ука, сингилларига ғамхўрлик қилишади. Ўқиш, юриш-туришдан хабар олишади. То оёққа туриб олмагунларича кўнгиллари тинчимайди. Укалар ҳам ака, опаларини ҳурмат қилишади, айтганларини бажаришади. Уларнинг маслаҳатисиз бирор ишга қўл уришни одобсизлик деб билишади. Қандай ярашиқли одат! Бу — уларга ота-оналаридан ўтган фазилат.

Мукаррам аянинг тилларидан бол томади. Гапларининг боши «жон болам». Бир дам суҳбат қилсангиз, енгил тортиб кетасиз.

Байрам, дам олиш кунлари хоналарнинг уйи тўйдек бўлиб кетади. Ўғил-қизлари зиёрат қилишга келишади. Шу куни она бағри тўлади. Болаларига атаб қўйган нарсаларини дастурхонга тўкиб яйрайди.

САХОВАТЛИЛИКДА ГАП КЎП

Давралагилар ўзаро гапга тушиб кетишди. Диққатимни икки қариянинг савол-жавоби тортди:

— Бо, қариганда невара боқиб сизга нима зарур, мармартош қўярмиди?—деди тўладан келган кампир боятдан бери тиззада эркаланиб, нималарнидир ғужирлаётган қизалоқнинг бувисига қараб.

— Шуларнинг борига шукур, айланай,— деди мулойим хола гапни илиб,— бирам ширин-ки, нақ боқчадан келгунча соғиниб қоламан. Ўзим қарардим. Болалар тушмагур, кексайиб қолдингиз, чарчаб қоласиз, дейишиб, қўярда-қўймасдан боқчага беришди. Ёшларга ҳам қийин,— деди ачиниб, —ҳам кўча, ҳам уй ташвиши. Керак бўлса ўзлари қилишар, деб ўтиролмайман. Болаларга боқишаман, кўрпа-тўшак қоплашни, уй-рўзғор тутишни ўргатаман.

Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлар, деганларидек, ўзи ҳам «ҳасрат»ини очди. Ганни болалари ноаҳиллиги, келиндан ёлғиманидан бошлади. Унинг ношудлиги, болаларни боғча «катта» қилаётгани, шунчаки у «номига» ишлаб юрганини «ошкор» гапирди. Ҳатто ўғлини ўзига қаратиб олгани борми, ҳамма-ҳаммасини тўкиб солди, келинни ёмон отлиққа чиқарди.

Хаёлан икки она, икки қайнанани солиштираман. Улар бошқа-бошқа дунё.

Бири нуроний, ёшига қараганда анча бардам. Сўзининг боши «жон болам». Бола-чақадан ёлғиган, ширибадавлат, ҳамма уларга ҳавас қилади. Иккинчи қарияни — «ношукур кампир» дейишади, негаки ҳамиша ўғил-қизидан норозилиги-норозиги.

Фарзанд ота-онага ширин. Айби, камчилиги кўзинча билинмайди. Гуноҳини кечиради, бировларга айтиб юрмайди. Иложини топиб тўғри йўлга солади. Келин «бировнинг фарзанди бўлганидан айби билиниб қолади. «Ношуд»лигини юзига соламиз, ўғлимизга чақиб, «аламдан» чиқамиз. Дуч келган одамга ҳасрат қилиб, ичимизни «бўшатамиз». Қарабсизки, ўртада совуқчилик. Борди-келди гаплар. Ҳатто қўйди-чиқдигача бориб қолинади.

Ёшлар кўнгли, ҳолатини тушуниш, муомала-муносабатда буни эътиборга олиш катталардан лозим. Одамлар билан ҳисоблашмоқни билиш одобландир. «Ўз назари»да нима маъқул бўлса, шуни тутиб олиш нисофданмас. «Менинг ёшим улуғ, ёки бошлиқман, айтганим айтган»,— дейиш бемаънилик. У сиздан катта-кичик, бегона ёки яқин киши бўлишидан қатъий назар, ҳар кимнинг ўз фикри, орзу-ҳаваси, диди борлигини унутмаслик керак.

ОҚИБАТ КЕТМАСИН

Кексалик ҳурматини жойига қўйишни ёшлар ҳам билишади. Бунинг учун қариялар онлада, ҳамма-ҳамма ерда ўз қадр-қимматларини сақлай билишлари лозим. Кексаларга хос улуғвор, нуроний, ширинзабон бўлишлари керак, ёшларни «жон болам» деб йўлга солсалар айни муддао бўлади. Майда сўзлилик ёки ичимдагини топ қабилида иш тутиш фақат ўртага совуқчилик солади, оқибатни кўтаради.

— Одам ёмон қариса ўзига ҳам, бошқаларга ҳам азоб бўларкан, — деди куюниб Ҳ. исмли жувон.—Тунов куни қариндошимникига ўтгандим... Салом-алайкум ҳали тугамасданоқ гина-кудурат бошланди. Уст-устига таъналарга қолсам бўладими? Гуноҳим нима?— деб ҳайрон бўламан. Менда ҳам бола-чақа, уй-рўзғор ташвиши. Яна хизматчилик. Тўғри, бу сафар кечикиброқ келибман. Болалар уст-устига оғриб қолишди. Аввал ҳол-аҳвол сўраб, гап нимада эканини билиш керак-ку? Ноҳақ одамни ранжитиш яхшими? Яна ким? Ёши улуғ, ҳаммага ақл ўргатадиган пайтда. Неча бор юрагим ғул-ғула қилди. Ноҳақликни айтиб, кўнглимни бўшатгим келди. Аммо ҳар гал андиша устунлик қилди. Кексалик ҳурматини қилдим...

Эшикдан келган одам аввало меҳмон (яқин киши, ўғил-қизингиз бўлганда ҳам), сизни ҳурматлаб келади. Яхшиси, очиқ чеҳра билан кутиб олинг. Дастурхон ёзиб, кўнглини хушланг. Гап орасида узоқ-яраб кетганидан хавотир бўлганингизни айтинг. Буни гинахонликдан эмас, балки меҳрибонликдан айтаётганингиз сезилар турсин.

Мабодо бефаросатликка борган бўлса, ўкинишга тушади, уялади. Узрли бўлса, айтиб енгил тортади. Шундай қилинса, аввало ёшларни тўғри йўлга соламиз. Иккинчидан, катталик ҳурматини йўқотмаймиз. Муҳими, орадан оқибат кўтарилмайди.

О. ТЎРАЕВА,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти.



Пойтахтимиздаги 1-мактаб-интернат залида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан музей ташкил этилди. Бу ерда доҳийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид материаллар ва суратларни кўриш, унинг овози ёзилган магнит лентасини тинглаш мумкин.

СУРАТДА: ўқитувчи Шоабдулла Қурбонов ўқувчиларга музей экспонатлари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Р. Альбеков фотоси.

• Кичкинтойлар ҳаётидан лавҳалар
БОЛАНИНГ КЎНГЛИ ДАЛАДА...

Синфда ўқитувчи тарбиявий машғулот ўтказарди. У Равшан деган ўқувчидан сўради:

— Қаним, айтчи Равшан, сен нимани яхши кўрасан?

— Мен уйимиздаги акварнумда боқаётган тилла балиқларимни яхши кўраман.

— Сен-чи, Лобар?

— Мен қизиқарли эртак китоблар ўқишни...

— Яхши, — деди ўқитувчи, сўнг яна бир боладан сўради:— Қани, Аҳмад сен нимани яхши кўрасан?

— Мен ашула айтишни, пианино чалишни яхши кўраман.

Шу пайт ўқитувчи охирги партада мудраб ўтирган Шерзодга кўзи тушиб, унга савол берди:

— Шерзод, қани кўзингни оч, сен нимани яхши кўрасан?

— Мен... мен, — деди у бармоқлари билан кўзини ишқалаб,— кўнғироқ чалинишини яхши кўраман...

«ҚАНИ, МАРШ!..»

Маҳмуджон кичик бўлса ҳам одобли, тўғри сўз, мулойим табиатли, ўткир зеҳнли бола. У катта-ю-кичикни кузатиб, яхши сўзларни ўрганиб юради. У танафус пайтида акаси Жавлоннинг бир ишидан хафа бўлганини ўқитувчиси Муяссар опага ҳаяжонланиб гапириб берди:

— Менинг Жавлон акамлар-чи, опа, техникумда ўқийдилар. Ойим иш буюрсалар доим, хўп бўлади, дейдилару, лекин айтганларини ҳеч қилмайдилар... Кеча ойимлар, «Ўғлим, магазиндан нон опкеб бер», дегандилар, акам «Хўп, беш минутдан кейин опкеламан», дедилар-да, папкаларини кўтариб кўчага чиқиб кетдилар, мен югуриб орқаларидан бордимда: «Ака, ваъдангиз эканси, беш минутдан кейин нон опкемадингиз-ку» десам, эшигимизни кўрсатиб, «Қани, уйга марш!» дедилар.. Мен ҳафа бўлдим...

Муяссар опа олдин бир жилмайиб қўйди-да, кейин Маҳмуджонга тасалли берди:

— Аканг нотўғри қилибдилар. Одам бир сўз бердими, унинг албатта бажариши керак. Доим ваъдангни бажарсанг, ҳамма сени яхши кўради.

«ДАДАМ УЙДА ЙЎҚЛАР»

Сандвалиннинг дадаси — Шокир ака дам олиш куни уйдагиларга таййнлади:

— Ойшахон, болаларга тайинлаб қўй, мени ким сўраса, дадам уйда йўқлар, деб айтишсин!..

— Вой, ёлғон ҳам эви билан-да, дадаси, — деди Ойшахон опа киноя билан кулиб, — уйда бўлсангизу, биров сўраса, дадаси йўқлар, десак хунук бўлмайдими?.. Болаларга ёлғон гапиришни ўргатиш яхшимас...

Шокир ака хотинига зарда билан деди:

— Гапингни қара, ёлғон гапиришмиш!.. Эй хотин, сенга неча марта бундай, одатларни болалар олдида айтмагин демовдимми, қулоғингга танбур чертувдимми?.. Яна гапирдингга?..

Дадаси билан ойисининг муомаласига бир чеккада разм солиб турган Сандвали қизиқиб сўради:

— Вой, ада, ёлғон гапирдингизми, ойимларнинг қулоқларига танбур чертдингизми?... Яна танбур чертинг..:

Кичкинтой Сандвалининг бу сўзларига Шокир ака ҳам, Ойшахон опа ҳам мириқиб кулишди:

— Ёлғон гапирмайман, ўғлим, ёлғон гапирмайман, — деди Шокир ака Сандвалининг тиниқ юзларидан ўпиб, — Ёлғончилик ёмон одат.

Муҳаббат РАСУЛЕВА,
илмий ходим.

ИШЧИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Ҳунар-техника билим юртлари шаҳримиз мактабларининг аксарият битирувчилари учун касб танлаш, профессионал маҳорат сари йўлда асосий босқич бўлиб қолди. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида шаҳар ҳунар-техника билим юртлари 50 мингга яқин малакали ишчиларни тайёрладилар. Ҳозир шаҳарда 48-ҳунар-техника билим юрти, шу жумладан 23 та ўрта ва 16 та техника билим юртлари ишлаб турибди.

Таълим ва ўқувчиларни тарбиялаш жараёнини янада такомиллаштириш вазифаларини ҳал эта бориб, шаҳар бошқармаси ва ўқув муассасалари билим юртларини тажрибали раҳбарлар ва педагог кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Олий маълумотли педагоглар сони 1975 йилдаги 73,1 процентдан 1979 йилга келиб 95 процентгача етди. Олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган мастерлар сони эса 81,3 процентни ташкил этди. Сўнгги уч йил ичида минтга яқин инженер-педагог ходимлар ўз малакаларини оширдилар, 250 га яқин ишлаб чиқариш таълими мастерлари пешқадам корхоналарда замонавий технология бўйича стажировкадан ўтдилар.

Шаҳар ҳунар-техника таълими ходимларининг активи йиғилишида ана шу мисоллар келтирилди. Йиғилганлар олдида шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи Т. М. Аҳмедова 1979 йилги иш якунлари ва КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларидан келиб чиқувчи 1980 йилдаги вазифалар ҳақида доклад қилди.

У сўнгги йилларда билим юртларининг ўқув-моддий базаси сезиларли даражада мустаҳкамланганини гапни таъкидлади. Беш йилликнинг тўрт йили ичида республика министрликлари ва идоралари томонидан 4680 ўринли 7 ҳунар-техника билим юрти комплекслари фойдаланишга топширилди, 2 ўқув корпуси, 3 устахона ва ётоқхона қурилди. Билим юртларининг ходимлари ва ўқувчилари кучи билан қайтадан 12 ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, 25 кабинет ва синф ташкил этилди. Ўқув синфлари ва устахоналарни техника билан жиҳозлаш, уларни металл қирқувчи ва ёғочни қайта ишловчи дастгоҳлар, турли электр пайвандлаш ускуналари билан таъминлаш яхши суратлар билан бормоқда. Замонавий техника воситалари, таълим беришнинг савияси ошганлиги малакали ишчилар тайёрлаш сифатини яхшилаш имконини беряпти.

Барча техника ва кечки-сменали ҳунар-техника билим юртлари 100 процентли даромадга эришдилар. Ўқувчиларнинг аксарияти янги программалар мазмунини муваффақиятли ўзлаштирдилар, фан асосларига доир зарур билимларга, амалий кўникмаларга эгадирлар. 5, 11, 57, 121, 124, 127-ҳунар-техника билим юртлари 1979 йилги социалистик мусобақа якунларига кўра бир неча марта совринли ўринларни эгалладилар. Билим юртларида ленинча ўқувлар, тематик кечалар, оғзаки журналлар, ҳуқуқ ва ахлоқий проблемаларга доир мунозаралар мунтазам уюштирилмоқда. 5, 9, 11, 14, 22 ва бошқа билим юртларида ҳуқуқ билимлари лекторийлари ва университетлари, «Дзержинскийнинг ўринбосарлари» отрядлари ишлаб турибди. Физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, спорт тўгаракларида 15 мингга яқин физкультурачи шуғулланмоқда. Шу билан бирга, деб таъкидладилар докладчи ва активда сўзга чиққан 5-ҳунар-техника билим юртининг директори И. А. Пўлатов, 31-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими мастери Е. Н. Бушуев, 4-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти директорининг таълим-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари В. А. Морозова ва бошқалар, малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида камчиликлар ҳам мавжуд. Ўқувчилар қабул қилиш планининг бажарилмаслиги, ўқувчиларнинг сараланиши, билим юртларининг умумтаълим мактаблари билан алоқаси бўш эканлиги шулар жумласидандир. Бу тўқимачилик, машинасозлик, пойафзалчи, қурувчи касблари бўйича ўқувчилар қабул қилишда айниқса яққол сезилади. Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўтказишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Практика вақтида база корхонасининг меҳнат коллективи, ишчилар анъанаси, мураббийчилик ҳаракати, ўринбосарларни тарбиялашда ветеран ишчиларнинг иштироки каби муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган омиллардан тўла фойдаланилмаган ва ҳ. к. ўқувчилардан уларнинг бўлажак ихтисослигига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ёрдамчи ишларда фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб турибди. «Главташкентстрой»га ва «Средазтрансстрой»нинг барча қурилиш трестлари ва бошқармалари ўқувчиларни ихтисослик бўйича ишга таъминлаяпти, деб бўлмайди. Пардозлаш трестининг 20, 24, 29, 34-қурилиш бошқармаларида, уйсозлик комбинатининг 21 ва 25 бошқармаларида, 1-пардозлаш ишлари бошқармасида бажарилган иш учун болаларнинг ихтисослигига тўғри келмайдиган энг паст баҳолар билан ҳақ тўланади.

Ҳар бир дарс савиясининг оширилиши, ҳар бир ҳунар-техника билим юртида таълим ва коммунистик тарбия жараёнининг мустаҳкам бирлигига эришиш,— деб таъкидладилар актив қатнашчилари, — юксак малакали ишчилар тайёрлашнинг гаровидир.

Актив йиғилишида ҳунар-техника таълими ходимларининг 1980 йил учун социалистик мажбуриятлари қабул қилинди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети раисининг ўринбосари Х. Н. Мўминов иштирок этди ва сўзга чиқди.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. КАРИМОВ: Мен автокорхонада шофер бўлиб ишлайман. Маъмурият мени тез-тез слесарлик ишларини бажаришга мажбур этади.Шу тўғрими?

Жавоб: Меҳнат ҳақидаги қонунга кўра, умуман маъмурият шоферларга слесарлик ишларини топшириши мумкин. Бундан шоферни доимо слесарлик ишида қолдириш керак, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Шоферларга слесарлик ишини буюриб туришдан кўзда тутилган мақсад шуки, улар юк ёки йўловчиларни элтаётган пайтларида автомобиль бузилиб қолса, уни ўзлари ремонт қила оладилар. Ҳар бир шофер слесарлик ишини билиши шарт.

* * *

С. АББОСОВА: Корхонада ишлаётган ўсмирларни байрам ёки дам олиш кунлари, ишдан ташқари вақтларда меҳнатга жалб этиш мумкинми?

Жавоб: Ўсмирларнинг иш куни меҳнат қонунига кўра, катта ёшдагиларнинг иш кунига қараганда бирмунча қисқароқ қилиб белгиланган. 15 — 16 ёшдаги ўсмирлар учун иш соати ҳафтада 24 соатдан ошмаслиги керак. Балоғатга етмаган ёшларни байрам ва дам олиш кунлари, шунингдек ишдан ташқари вақтларда меҳнатга жалб этиш қонунга хилоф ҳисобланади. Бунга йўл қўйган шахслар жавобгарликка тортилади.

* * *

К. НАЖМИДДИНОВ: Қандай кишиларни тунги сменада ишлатиш ман этилган?

Жавоб: Умуман, тунги сменада ишловчилар учун иш куни бир соат қисқартирилади. Қисқа иш куни жорий этилган, шунингдек, узлуксиз иш жараёнида бу қоида жорий этилмайди.

18 ёшга етмаган ёшлар, инвалидлар, ҳомиладор аёллар ва эмизиклик боласи бор аёлларни тунги сменада ишлашга жалб этиш мумкин эмас.

* * *

Л. ҲАСАНОВА: Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ҳамда корхона ёки ташкилотда меҳнат қилаётган студентларга имтиҳон топшириш учун қанча муддатга отпуска берилади?

Жавоб: Олий ва ўрта махсус ўқув юрти студентларининг имтиҳон топширишлари учун бериладиган отпуска умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларга бериладиган отпускадан бирмунча кўпдир. Масалан, кириш имтиҳонлари топшириш учун олий ўқув юртларига кираётганларга ҳақ тўламаслик шарти билан 15 кун отпуска берилади. Ўрта махсус ўқув юртларига кираётганлар учун эса 10 кун отпуска берилади. Ўқув юртига бориш ва қайтиш учун кетадиган вақт бу ҳисобга кирмайди. Битириш имтиҳонига 10 ой қолганда, ҳар ҳафтада бир кун ишдан озод этиладилар.

* * *

С. ЭРГАШЕВА: Биз коллективимизда пенсия ёшига етган аммо меҳнат фаолиятини давом эттираётган ходим бор. Сиддиқдилдан меҳнат қилиб келаётган бу кишини «Меҳнат ветерани» медалини олишга тавсия этиш мумкинми?

Жавоб: «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотлашга тавсия этиш тартиби тўғрисидаги инструкцияга кўра, узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб нелаётган ва пенсия ёшига етган кишилар «Меҳнат ветерани» медалини олишга тавсия қилинадилар. Шунингдек, пенсия ёшига етган бўлса-да, меҳнат фаолиятини давом эттираётган кишилар ҳам ана шу медаль билан мукофотланишга тавсия қилинади. Бундай кишилар пенсияга чиқмасдан аввалроқ ҳам ана шу медални олишга тавсия этилиши мумкин.

ОҚШОМ НАСИБАСИ
МАКАРОН «ЛАЗЗАТ»

Олий навли макаронни тузли сувда пиширib олгач, совуқ сувда икки-уч марта ювиб юборасиз-да човлига солиб сирқитиб қўлсиз.

Гўштни сомонча усулда худди бефстрагон овқатига қилгандек, пиёзни ҳалқа-ҳалқа, помидорни эса паррак-паррак қилиб тўғранг. Юзаси кенг товада думба ёки сариёғни доғлаб пиёз ташлайсиз-да, кусир-кусир бўлгунча қизартирасиз. Сўнг гўштни солиб сели чиққунча қовуринг. Бу таомга ёзда помидор, қишда эса томат пастаси қўшилади ва меъёрига етгунча жазланади. Кейин бир оз шўрва ёки иссиқ сув қуйиб гўшти юмшагунча пиширилади, туз ва зираворлар сепиб таъми ростланади.

Қайнатилган макаронни бошқа идишга солиб бир оз ёғда жазлаб олсангиз, кейин буни гўшт устига қатлам қилиб соласиз-да аралаштирмасдан юзига тухум чақиб майин туз сепиб товаси билан духовкада тухум қотгунча ушлаб турилади.

Дастурхонга торгишда лаганга товада қандай пишган бўлса шундайлигича; остида гўшти, устида макарон билан тухум аралаштирмасдан солинади, юзи эса ошқўқлар билан безатилади.

Таомнинг ташқи кўриниши: устига тухум чақилган, остида гўштли макарон.

Мазаси — сариёққа қовурилган гўшт ва сабзавотлар, қайнатилган макарон билан тухум қуймоқнинг умумлашган лаззати. Сариёғ билан зираворнинг хушбўйлиги ҳамда мурчнинг ўткирлиги, юзига қўйилган ошқўқларнинг ҳиди ушбу таомга ажиб бир таъм ато қилади.

Тўрт-олти кишилик макарон «лаззат» тайёрлаш учун 250 грамм макарон, 200 грамм сариёғ (ёки қўй ёғи), 400 грамм гўшт, 2 — 3 бош пиёз, 2— 3 дона помидор ёки 2 ош қошиғида томат пастаси, 6 дона тухум, туз, зира, мурч ва ошкўк таъбга қараб олинади.

О. ТУРСУНОВ,
Қ. МАҲМУДОВ,
пазандалар.

Уй — рўзғор ТАШВИШИДА
ПОЛ БЎЯГАНДА

Маълумки, бўялган поллар чиройли бўлади, тахтаси тез эскирмайди, уларни озода тутиш ҳам осон.

Полни истаган рангга бўяш мумкин, лекин сариқ ёки жигар рангга бўяш расм бўлган. Бўёққа алифмой қўшилади, керакли тус ҳосил бўлиши учун белила аралаштирилади.

Бўяй бошлашдан олдин бўёқ билан алифмойнинг қанчалик тез қуришини текшириб кўриш керак. Бунинг учун бир парча тахта ёки фанернинг бир жойига чўткада бўёқ, бошқа жойига алифмой суртилади. Кейин бўёққа озгина алифмой қўшиб, фанернинг бошқа жойига суртилади. Бу намуналар икки кунда қуриши керак. Агар алифмой қўшилмаган бўёқ юқи қуриган, алифмой қўшилгани қуримаган бўлса, бу ҳол мазкур алифмойнинг яроқсизлигини ва унинг ўрнига сифатли алифмой ишлатиш зарурлигини билдиради.

Сотиб олинган тайёр бўёқни ҳам яхшилаб аралаштириш ва текшириш керак. Сифатсиз материал ишлатилган тақдирдагина пол яхши қуримайди.

Ҳамшаҳарларимиз хизматида
САФАРГА ЧИҚМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Айтайлик, бирор шаҳарга сафарга чиқишга тараддуд кўряпсиз ёки ишхонадан сизни бошқа шаҳарга командировкага юборишяпти. Албатта бундай ҳолларда сафарга бормоқчи бўлган ёки командировка ташвишида юрган киши биринчи навбатда ўша борган жойидаги меҳмонхонадан жой бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида ўйлай бошлайди. Лекин кўп ўйлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бундай ҳолларда шаҳримиздаги «Сервис» агентлиги бундай кишиларга яқин ёрдамчи бўла олади.

Ҳозирги пайтда мана шу маиший хизмат кўрсатиш корхонаси Совет Иттифоқидаги 136 та шаҳардаги меҳмонхоналардан жойларни олдиндан бронлаб кўя олади. Лекин бир нарсани эсдан чиқармаслик керак. Меҳмонхоналарда жой олиб қўйиш тўғрисида анча илгарироқ — сафарга отланишдан 15 кун олдин ўйлаш керак. Шўнда ўзингиз борадиган шаҳардаги меҳмонхонада жой албатта бўлишига тўла ишонишингиз мумкин. Шу хусусдаги барча справкаларни 41-80-15, 41-80-14 рақамли телефондан билиб олишингиз мумкин.

ЖАҲОН ОЙНАСИ
ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГДР АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БЕРЛИН. Германия Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ўзининг профессионал байрамини нишонлаётган республика меҳнаткашларининг 130 минг кишилик отряди номига табрикнома йўллаб, Германия Демократик Республикаси алоқа ходимлари катта меҳнат муваффақиятларини қўлга киритганликларини таъкидлади.

Ўтган йили почта-телеграф хизмати ҳажми 1978 йилдагига нисбатан 3 процентдан зиёд ошди. Республика алоқа ходимлари ҳар куни 8,5 миллион газета ва журнални киоскалар орқали тарқатмоқдалар ҳамда уйларга етказиб бермоқдалар.

Тармоқ энг замонавий иш методларини ўзлаштирмоқда. Масалан, мамлакатдаги мавжуд абонентларни автомат тарзда чақириш системаси туфайли бугунги кунда Берлинда туриб Европадаги кўпгина шаҳарлар билан, жумладан Москва билан телефон орқали тез алоқа боғлаш мумкин.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

БУДАПЕШТ. Венгрияда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турган Мишкольц шаҳрининг аҳолиси кейинги тўрт йил мобайнида шанбалик ва якшанбаликларда ишлаб топган 170 миллион форинтдан кўпроқ маблағни беш йиллик фондига ўтказди. Меҳнаткашлар янги микрорайонларда спорт иншоотларини барпо этишда, ўз жонажон шаҳрини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда жамоатчилик асосида қатнашдилар. Мишкольцликлар ВСИП XII съездини ва мамлакат фашизмдан озод этилганининг 35 йиллигини кутиб олишга тайёргарлик кўриб, бу йил беш йиллик фондига яна 55 миллион форинт пул ўтказиш мажбуриятини олдилар.



ОБЪЕКТИВДА— АФҒОНИСТОН.

АФҒОНИСТОН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. 1978 йилги апрель революцияси ғалаба қозонгандан сўнг Кобулда очилган нутубхоналардан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

НОДЎСТОНА ҲАРАКАТ

ҚОҲИРА. Президент Садат Исроил билан тобора яқинлашиб ва у билан муносабатларни тўла-тўкис қайта тиклаб, Совет Иттифоқи билан муносабатларни ёмонлаштиришга қаратилган қарорларни кетма-кет қабул қилиб турибди. Жумладан, МЕН агентлигининг хабар қилишича, Миср — Совет дўстлик жамияти тарқатиб юборилиши эълон қилинди.

Шу муносабат билан Миср — Совет дўстлиги жамияти бу ерда ўз ранси Муҳаммад Абдул-салом Аз-Зайёднинг баёнотини тарқатди. Баёнотда жамият ўз фаолиятини давом эттириш ниятида эканлиги айтилган.

Баёнотда айтилишича, «Ал ахбор», «Ал аҳром» ва «Ал жумҳурия» газеталари МЕН агентлигининг хабарига асосланиб жамиятнинг Искандария бўлими тарқатиб юборилганлиги тўғрисидаги ахборотни эълон қилиб, гўё Миср—Совет дўстлиги жамиятининг Қоҳирадаги резиденцияда жойлашган бош бўлими ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди, деб кўрсатишга уриндилар. Ҳақиқатда эса, деб уқтириладн баёнотда, жамиятнинг Қоҳирадаги аъзоларидан бирон киши шу масала юзасидан ҳеч қандай йиғилиш ўтказилишини талаб қилган эмас ва жамият ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида ҳеч бир қарор қабул қилгани йўқ. Жамият инкала мамлакат халқларини бир-бири билан боғловчи ижтимоий-маданий ташкилот сифатида ҳаракат қилиб, ўз фаолиятини давом эттиришда, дейилади ҳужжатда.

МИНИСТРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОБУЛ. Афғонистон халқ демократик партияси билан ҳукумати мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлатўкис таъминлаш вазифасини ўртага қўйдилар, деди АДР қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти министри Фазил Раҳим Моманд. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар бор, Аммо сабот билан бир неча йил ишлаш керак бўлади, деди у ТАСС мухбирига.

Бу йил, деди министр, бир миллион гектардан ортиқ ерга дон ва техника экинлари экилади. Биз деҳқонларни мамлакат учун зарур бўлган пахта ва қанд лавлаги сингари экинларни етиштиришга қизиқтиришга интиламиз. Ҳукумат бу экинлар ҳосилининг харид нархларини оширди ҳамда пахта ва қанд лавлаги етиштириш билан машғул бўлган деҳқонларга ғаллани қатъий имтиёзли нархлар билан сотишга кафолат берди. Биз бу масалага эҳтиёткорлик билан ва шароитни ҳисобга олиб ёндошамиз, албатта. Масалан, уч вилоят — Хилманд, Қандаҳор, Фараҳ вилоятларида пахта етиштириш белгиланди.

ТОШКЕНТ ШОМИ
14 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

ОЛИМПИАДА ТЎЛКИНИДА

✦ ТЕРМА КОМАНДА НОМЗОДЛАРИ


ЭНГ ЯХШИЛАР ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

Тошкентдаги спортчиларнинг энг яхшилари Москвада бўладиган XXII Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз, Ўзбекистон ва республикамиз пойтахти спорти шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Тошкентлик 40 дан зиёд спортчи мамлакатимиз терма командасига номзод қилиб кўрсатилган. Аввалги олимпиадалардан ҳеч бирида бунчалик кўп тошкентлик спортчи қатнашмаган эди. Тўғрисини айтганда, уларнинг ҳаммасини Олимпиадага боради деб бўлмайди.

Шунга қарамасдан Тошкентдаги спорт ташкилотлари Олимпиада ўйинларига энг яхши спортчиларни жўнатиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солишяпти.

Қиличбоз С. Рўзиев, чавандоз В. Дворянинов, ватерполчи Э. Шагаев, камончи О. Рогова ва Н. Бутузова сингари спортчиларга катта умид билан қаралмоқда. Олимпиада терма командасига номзодлари кўрсатилган спортчилар Халқаро ва Бутуниттифоқ мусобақаларида юқори натижалар кўрсатиб, ўзларига билдирилган ишончларни оқлашга интилмоқдалар. С. Рўзиев Минск шаҳрида ўтказилган анъанавий Халқаро турнирда ғолиб чиқди. Э. Шагаев мамлакатимиз терма командаси билан Венгрия терма командаси ўртасидаги учрашувда иштирок этиб, яхши ўйин кўрсатди. Чавандоз В. Дворянинов Москвада бўлган Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли қатнашди.

Е. ВАСИЛЬЕВА.



СУРАТЛАРДА: Москвада бўладиган XXII Олимпиада ўйинларининг ғолиблари ва совриндорларига шундай медаллар топширилади.

ТАСС фотохроникаси.

● ТОШКЕНТ — ОЛИМПИАДА ХИЗМАТИДА

РАМЗИЙ БЕЛГИ БИЛАН

Тошкентдаги ўттиздан зиёд корхона Олимпиада рамзи туширилган буюмлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритган. Бундай корхоналар қаторида «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, чинни заводи ва бошқа корхоналар бор. Совғалар тайёрлашда ҳам Олимпиада рамзи туширилган буюмларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилаяпти. Олимпиада ўйинлари тантанали очиладиган кунга қадар бундай буюмлардан бир неча ўнлаб миллион сўмлик ишлаб чиқарилади.

АВИАТОРЛАР КЕНГАШМОҚДА

Граждан авиациясининг Ўзбекистон бошқармасида Олимпиада ўйинлари қатнашчилари ва меҳмонларига хизмат кўрсатишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда пассажирларга ҳавода ва ерда хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилашга алоҳида аҳамият берилди.

Д. КЛОЧКОВ.

Олимпиада саҳифасидан

ҚАДИМИЙ АНЪАНА

Дунёда бир унвон бор. У ғолиб чиққан спортчига бир умрга берилади. Бу— Олимпиада ўйинлари чемпиони унвонидир. Бу унвон мангу ҳисобланади. Унга соғлиқ сўзини қўшиб ишлатиб бўлмайди. Орадан ҳар тўрт йил ўтганда Олимпиада тарихида янги номлар пайдо бўлади. Улар тарих саҳифасидан мангу жой оладилар.

Қадимий анъанага кўра, Олимпиада чемпионларининг номлари стадион дарвозасининг олдидаги тахтага ёзиб қўйилади. Биринчи Олимпиада чемпионини билиб олишимизга ҳам ана шу ёзув ёрдам беради. У Эрида шаҳридаги ошпаз Кореббир. Эрамиздан аввалги 776 йилдан эрамизнинг 394 йилига қадар Олимпиада ўйинлари ҳар йили ўтказиб келинган. 394 йилда Рим императори Феодосий Олимпиада ўйинларини ўтказишни тақиқлаш тўғрисида ҳукм чиқарган.

Олимпиада ҳаракатининг янги эраси 1894 йилда бошланган. Худди шу йили Париждаги Сорбонзалида 13 мамлакатнинг икки минг вакили бир овоздан Олимпиада ўйинларини қайта тиклаш ва Халқаро Олимпиада комитети тузишга қарор қилишди. Олимпиада ҳаракатини бошлаш ташаббускори француз барон Пьер де Кубертен бўлди.

Сорбонда I Олимпиада ўйинларини Афинада, 1896 йилда ўтказишга қарор қилинди.

I Олимпиада ўйинлари фақат спорт нуқтаи назаридан эмас, фалсафий, маънавий жиҳатдан ҳам муҳим воқеа бўлди. Олимпиада ўйинларида 13 мамлакатдан 311 спортчи қатнашди. Мармардан қурилган «Авероф» стадионида бўлган беллашувларни ҳар куни 80 минг киши томоша қилди.

Америкалик спортчи Д. Конноли замонавий Олимпиада ўйинларининг биринчи чемпиони бўлди. У уч хатлаб сакрашда 13 метру 71 сантиметр натижа кўрсатди. Афинада бўлган беллашувларда француз велосипедчи П. Массон энг кўп медални қўлга киритди. У уч хил масофага ўтказилган пойгада ғолиб чиқди.

Ғолибларни мукофотлаш маросими беллашувлар ниҳоясига етган кунда бўлди. Қадимий анъанага кўра чемпионнинг бошига гулчамбар кийгизилди. Унга диплом, медаль топшириш билан бирга муқаддас дарахт шохи ҳам тақдим этилди.

Бу Олимпиада ўйинларида грециялик спортчилар яхши қатнашди. Беллашувларни жуда кўп томошабинлар кўришди. Бу Олимпиада ўйинларининг келажаги порлоқ эканлигининг далили эди.

КЕЙИН ОДАТ БЎЛДИ

1-Олимпиада ўйинларида қатнашган америкалик югурувчи Томас Брэк биринчи марта пойгани бошқача усулда бошлади. У старт берилиши олдидан қўлларини ерга текказиб турган эди. Бу нарса кўпгина судьяларни ҳам ҳайратга солди. Орадан кўп ўтмасдан Томас Брэкнинг усули ҳаммага маъқул бўлиб қолди. Кейинчалик шу усулда пойгани бошлаш анъанага айланди.

ОЛИМПИАДА РИНГИДА БОКС

Аввалги Олимпиадаларда бўлганидек, бу сафар ҳам боксчилар 11 олтин медаль учун курашадилар. Ҳар бир вазн-тоифасида битта олтин медаль бор. Улар Мир проспектидаги усти ёпиқ Олимпиада стадионида беллашадилар.

«Бу 45 минг томошабин сиғадиган ажойиб спорт майдонидир, — дейди икки марта Олимпиада чемпиони, СССР бокс федерациясининг раиси Борис Лагутин. — Мен уч Олимпиада ўйинида рингга чиққанман. Шуни айтишим керакки, Москвадагидек қулай шароит уларда йўқ эди».

Тўғрисини айтганда, бокснинг Олимпиада программасига киритилиши осон бўлмади. Дастлаб Англия ва Америка Қўшма Штатларида оммалаша бошлаган спортнинг бу тури дастлаб замонавий Олимпиада ҳаракатини ривожлантирган мамлакатларда ҳам ҳеч яхши ривожланмаган эди. Фақат 1904 йилда Американинг Сент-Луис шаҳрида ўтказилган III Олимпиада ўйинларида спортчилар бокс бўйича беллашишди. 1908 йилда бўлган Лондондаги Олимпиада ўйинларида ҳам спортчилар медаллар учун курашдилар. Шундан кейин уларнинг яна Олимпиада медаллари учун рингга чиқишларига 12 йил вақт керак бўлди. 1920 йилда Антверпенда бўлган Олимпиада ўйинларидан бошлаб бокс муттасил программага киритила бошланди.

Мамлакатимиз боксчилари 1952 йилда Хельсинкида бўлган XV Олимпиада ўйинларида илк бор иштирок этиб, норасмий команда ҳисобида иккинчи ўринни эгалладилар. Улар фақат америкалик ринг усталаридан ортда қолдилар, холос. Боксчиларимиз ўшанда ўзларига хос чидамлилик кўрсатишди. Шунингдек, улар яхши техникага эга эканликларини намойиш этдилар. Бироқ, уларнинг тактикаси бир хил— «жанг»да асосан кучли зарб беришга қаратилган эди. Хельсинкида бўлган беллашувлардан кейин етакчи боксчиларимиз, тренерлар, мутахассислар янги тактик усулларни қидириш ишларини бошладилар. Улар энди рақибни очколар бўйича енгишга аҳамият бера бошлашди.

1956 йилда Мельбрида бўлган Олимпиада ўйинлари совет боксчи мактабининг йўналиши тўғри эканлигини исботлади. Владимир Сафронов, Владимир Енгибарян, Геннадий Шатковлар совет спортчилари орасида биринчи бўлиб Олимпиада чемпиони унвонини қўлга киритишди. СССР терма командаси норасмий команда ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

1964 йилда Токиода ва 1968 йилда Мехикода бўлган Олимпиада ўйинларида ҳам командамиз ғолиб чиқди. Совет боксчилари 12 та Олимпиада олтин медалини қўлга киритишган. Борис Лагутин икки марта Олимпиада чемпиони бўлди. Иккинчи ўрта вазн-тоифасида Валерий Попенченко Токиода бўлган Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритди ва энг яхши боксчи учун таъсис этилган Баркер Кубоги билан тақдирланди.

Ҳозир боксчиларимиз Москвада бўладиган Олимпиада ўйинларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Мамлакатимиз асосий командасининг бош тренери Алексей Киселев олдида жуда мураккаб вазифа турибди. У энг яхши 11 боксчини танлаб олиши керак. Ҳар бир вазн-тоифасида жуда кучли рақиблар бор. Улар Мир проспектидаги усти ёпиқ Олимпиада стадионида беллашадилар.

«Бу 45 минг томошабин сиғадиган ажойиб спорт майдонидир, — дейди икки марта Олимпиада чемпиони, СССР бокс федерациясининг раиси Борис Лагутин. — Мен уч Олимпиада ўйинида рингга чиққанман. Шуни айтишим керакки, Москвадагидек қулай шароит уларда йўқ эди».

Тўғрисини айтганда, боксчиларимиз 1976 йилда Монреалда бўлган Олимпиада ўйинларида биронта ҳам олтин медаль олишолмади. «Шунинг учун ҳам,— дейди СССР Спорт комитетининг давлат тренери Дмитрий Тельпин, — Москвада бўладиган учрашувларда боксчиларимиз ўзларини оқлашга ҳаракат қилишади. Лекин ғалаба қозониш осон бўлмайди. Улар 1979 йилда ўтказилган жаҳон Кубогининг соҳиби Бернар Тейлор, Эдди Кри, Джеймс Шуллер, Тони Тоббс (Америка Қўшма Штатлари) шунингдек, маҳоратли кубалик боксчилар билан «жанг» қилишади. Кубалик боксчилар орасида оғир вазнли икки марта Жаҳон чемпиони Тиофило Стивенсон алоҳида ажралиб туради. Олимпиада рингида биз билан Польша, Венгрия, ГДР, ГФР, Югославия, Болгария, Руминия, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларининг боксчилари рақобат қилишади. Совет боксчилари Москва рингида фахрли ўринни эгаллашга жиддий муросасиз кураш бўлишини яхши билишади. Шу боисдан ҳам улар беллашувларга пухта ҳозирлик кўришмоқда».

Борис ОЛЬШЕВСКИЙ,
СССР спорт мастери.
(АПН).

● БЕЛЛАШУВ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Афиналик хат ташувчи

Эрамиздан олдинги 490 йилда афиналик солдат Фидипид катта жасорат кўрсатди. Унинг Афинага хушхабар келтирганлиги ҳақида газетамизда аввал хабар қилган эдик...

Орадан 2386 йил ўтганидан кейин минглаб томошабинлар яна қадимий афиналик йигит қаҳрамонлиги такрорланишининг гувоҳи бўлди. Биринчи Олимпиада ўйинлари программасига киритилган узоқ масофага югуриш мусобақаларида 24 спортчи иштирок этди. Катта ирода туфайли Спиридон Луис маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шундан кейин Афина аҳолисидаги Маруссия қишлоғида истиқомат қилувчи бу камтарин хат ташувчи йигит ўз мамлакатининг миллий қаҳрамони бўлиб қолди. Шуниси қизиқки, у севиб қолган қизнинг отаси аввал Луисга қизини беришга рози бўлмаган эди. Луис Олимпиада ўйинларида ғолиб чиққанидан кейин у тўй қилишга розилик берди. Луис Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлгандан кейин ҳам ўзининг камтар хизматини адо этишни тарк этмади.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

СОВЕТ АРМИЯСИ КУНИ БИЛАН ҚАРИНДОШЛАРИНГИЗ ВА ТАНИШ-БИЛИШЛАРИНГИЗНИ ТАБРИКЛАШНИ УНУТМАНГ!

Бошқа шаҳарларга юбориладиган, адресатга топшириш куни кўрсатилган табрик телеграммаларини қабул қилиш 17 февралда, маҳаллийлари эса — 21 февралда тўхтатилади.

ТАБРИК ХАТЛАРИ, ОТКРИТКАЛАР ВА БАНДЕРОЛЛАР ЖЎНАТИШНИ СЎНГГИ КУНЛАРГА ҚОЛДИРМАНГ.

Табрик хатлари ва открыткалар жўнатишда адресатга тезроқ етказиш учун қуйидагиларга эътибор беринг: конверт, открытка, почта карточкасининг пастки чап бурчатида махсус ажратилган жойга адресатнинг олти рақамли почта индексини стилларштирилган рақамлар билан ёзиб кўрсатишни, адресда эса алоқа бўлими номерини унутманг.

Жўнатувчининг адресида ҳам «Тошкент» сўзидан олдин олти рақамли почта индексини ёзишни, «Тошкент» сўзидан кейин эса алоқа бўлимининг номерини ёзишни унутманг.

Бандероль, посилка, қимматбаҳо хатларда ва пул жўнатмаларида олти рақамли почта индекси адрес олдига оддий рақамлар билан ёзилади.

Телеграммаларнинг адресларида фақат жўнатувчи ва қабул қилувчига хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимининг номерини кўрсатинг.



ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

Китобсеварлар диққатига

БУКИНИСТИК МАГАЗИНЛАР ҲАМДА «ТАШКНИГА»НИНГ УНИВЕРСАЛ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИ ҚОШИДАГИ БЎЛИМЛАР

Аҳолидан СССР Давлат нашриётлар комитети томонидан тасдиқланган каталог-прейскурант бўйича янги баҳоларда китоблар

СОТИБ ОЛАДИ

1961—1976 йилларда чоп этилган ва аҳоли ўртасида талаб катта бўлган, яхши сақланган совет ва чет эл бадиий адабиётлари, энциклопедиялар ва луғат нашрларини (каталог-прейскурантга кирмаган) нашр номеналидагидан икки ҳисса юқори баҳоларда сотиб олади.

Бадиий адабиётлар топширган гражданлар алмашиш фондидан янги чоп этилган китобларни олишлари мумкин.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

БУКИНИСТИК МАГАЗИНЛАР ҲАМДА «ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ МАГАЗИНЛАРИ БЎЛИМЛАРИ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

13-магазин— Навоий кўчаси, 16-уй;

31-«БУКИНИСТ» магазини— Навоий кўчаси («Дўстлик» меҳмонхонасининг қаршисида);

1-«ПРОПАГАНДИСТ» магазини— Пушкин кўчаси, Марказ—1, 6-корпус. Телефон: 33-37-27;

4-«БИЛИМ» магазини— Привокзальная кўчаси, 12-уй. Телефон: 39-28-03;

9-«ПРОГРЕСС» магазини— Новомосковская кўчаси, 31-уй. Телефон: 35-35-25;

11-магазин— М. Горький проспекти, 73-уй. Телефон: 62-52-02;

16-магазин—Гагарин кўчаси, 66-уй. Телефонлар: 77-14-71;

17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» магазини— Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй («Средазгипроцелинстрой» биноси);

18-магазин— Сергели шаҳри, 9-квартал, 59-уй. Телефон: 53-88-35;

23-магазин— Фарҳод кўчаси, 58-уй. Телефон: 76-36-52;

КИТОБ ТОПШИРИШДА ЁНИНГИЗДА ПАСПОРТ БЎЛИШИ КЕРАК.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА

«ДАШТДАГИ ҚУВҒИН»

(С. Сейфуллиннинг илк асарлари мотиви бўйича) номли

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЧИҚАРАДИ

Сценарий автори— А. СТЕПАНОВ.
Режиссёр— А. ҚАРСАКБОЕВ.

Мураккаб сюжетли фильм воқеалари 20 йилларда бўлиб ўтади. Фильмнинг бош қаҳрамони —қизил командир Хамит. Унинг душмани— айёр, хавфли ва қўлга тушмас атаман Кудра. Унинг бандаси изидан бориб Кудра қопқонига тушиб қолиб унинг асири бўлиб қолади.

Аммо у Кудра изига тушиб унинг бандасини тор-мор қилишга эришади.



«ҚОЗОҚФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. ДА— 14/II да **Чио-Чио-Сан**, 15/II да **Оламнинг яратилиши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/II да **Истеҳком**, 15/II да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/II да **Ужарлар**, 15/II да **Қизил дуррали нозик ниҳолим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —14/II да **Мо. жаро**, 15/II да **Можаро.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— янги программа. УРГАТИЛГАН ТИМСОҲЛАР. БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ (19.30).

КИНО

14 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МИЛЛИОН ИЖОДКОР» — Чайка.

«ДИҚҚАТ, БЕКАТ!» — Қозоғистон.

«ОЛТИН ЗВЕНО»— Ҳамза ном. ли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«САВОЙЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 33-44-52), **Москва** (15, 17, 19, 20.40 жавоб берувчи автомат 33-05-01), **Дружба** (19, 21.00, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20), **Нунус** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат 44-70-69).

15 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МИЛЛИОН ИЖОДКОР» —Чайка.

«ДИҚҚАТ, БЕКАТ!» — Қозоғистон.

«ОЛТИН ЗВЕНО»— Ҳамза ном. ли.

«ҚАЛБЛАРИМИЗДА ЛЕНИН» — Дружба.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«САВОЙЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ» — Қозоғистон (жавоб берувчи автомат 35-24-92), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 33-44-52), **Москва** (11.30, 13, 15, 17, 19, 20.40, жавоб берувчи автомат 33-05-01), **Дружба** (11, 12, 19, 21.00, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20), **Нунус** (тоқ соатларда жавоб берувчи автомат 44-70-69), **Навоий номли** (11, 12.40, 14.40, 16.40, 18.40, телефон 44-30-41).

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР, РАҚҚОСАЛАР ВА ҲАЖВИЯЧИЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ Қарима УЗОҚОВА

Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Исмоилжон ТУРДИАЛЕВ, Тоштемир ТОИРОВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Ўлмасхон НУРМАТОВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанрда).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани— Мамасоли ҲОЛМАТОВ ва Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ олиб борадилар.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

14 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА.

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Халқ оҳанглари». 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё — икки демократия». 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Балет лавҳалари». Фильм-концерт. 19.50 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Шаҳарни асраб қолинг». Бадиий фильм. «Мосфильм» ва «Кадр» (Польша) 1976 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиши (АҚШдан олиб кўрсатилади). 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30—23.45 XIII қишки Олимпия ўйинларида.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Чиланғар ва фалокат». Мультфильм. (Польша). 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг солисти О. Отажонов концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Қишлов масъулиятли давр». 22.30 «Галабадан сўнгги жанг» Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари». «Санъат турлари. Театр». 21.05 Сиртдан ўқитётган студентлар учун. Химия 22.05 «Табиатга муҳаббат». 22.35 Телевизион театр. Д. Пеев. «Еттинчи қадаҳ». 2-қисм. 23.45 Хоккей сўйича СССР чемпионати. «Винокор» (Тошкент) — «Локомотив (Москва). 3-давр. «Юбилейный» Марказий спорт саройидан репортаж (ёзиб олинган).

15 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.10 «Шаҳарни асраб қолинг». Бадиий фильм. 12.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Коньки 1.500 м. (аёллар). Тог чанғиси— тез учиш (эркаклар). Кўрсатув тугагач (13.50) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Шимол манзаралари». Телевизион ҳужжатли фильм. «Экран». 15.30 «Москва комсомолининг ишлари». 16.00 XIII қишки Олимпия ўйинларида Хоккей. ЧССР— АҚШ терма командалари. 17.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Аслида йўқ шаҳардаги саргузашт». Телевизион бадиий фильм». «Белорусфильм». Давлат телерадиосининг бўюртмасига биноан. 1974 й. РСФСР халқ артисти В. М. Леонтьевнинг кириш сўзи билан бошланади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сайловдан— сайловгача». 19.40 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР— Голландия терма командалари. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.30 «Санъатнинг сеҳрли кучи». Телевизион бадиий фильм. Давлат телерадиосининг бўюртмасига биноан. 1974 й. РСФСР халқ артисти В. М. Леонтьевнинг кириш сўзи билан бошланади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сайловдан— сайловгача». 19.40 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР— Голландия терма командалари. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.30 «Санъатнинг сеҳрли кучи». Телевизион бадиий фильм. Давлат телерадиосининг бўюртмасига биноан. «Ленфильм». 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50 — 00.20 Анна Герман куйлайди.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Павел Корчагин образи». Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди?» романи асосида Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Ҳушчақчақ дўстлар». Кўғирчоқ фильм 12.25 Болалар учун «Фонарик» (рус.). 12.55 «Болагинам». Бадиий фильм. 14.10 «Касблар ҳақида ҳикоялар». Тошкент шаҳридаги 138-ҳунар-техника билим юртидан кўрсатув.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм (Польша). 18.30 «Иккинчи она тилимизни ўрганамиз». 18.55 «Меҳнат интизоми —ишчининг виждони». Октябрь революцияси заводидан репортаж. 19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». Ж. Шарипов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ҳасан Ражабов кўйлайди. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Оламда нима гап!» Халқаро воқеалар шарҳи. 22.45 С. Васильенко. М. Ашрафий. «Бўрон». Операнинг саҳнага биринчи маротаба қўйилганлигининг 40 йиллиги олдидан (рус.). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Оила ҳуқуқи». 20.55 «Шу сода рақсга ўргатишади». Хореография билим юртидан репортаж (рус.). 21.25 Абитуриентлар учун. Математика. 22.25 «Номингни унутма». Бадиий фильм («Мосфильм» ва «Иллюзион». Польша).

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ 103-МАКТАБДА (Гагарин кўчаси, 53-уй) **16 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17.00 ДА ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ УТКАЗИЛАДИ**

МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

«Средазгидропроект»га қарашли ГТ—1 0102455, ГТ—1 0102456 номерли йўқолган МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИНГ БЛАНКАЛАРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

4 Тошкент бет оқшоми

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

14 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р — 07079. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2055.